ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

М.МИРЗАЕВ НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИКОТ ИНСТИТУТИ

НОРТОЖИЕВ БОБОШЕР ШЕРАЛИЕВИЧ

ЛИМОН ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА БИОЎҒИТЛАРНИНГ ТАЪСИРИНИ ВА МЕВАЛАРИНИ САҚЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИЛМИЙ АСОСЛАШ

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик,
06.01.11- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2025

УЎК 634.10:634.31.34:006.354

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора (DSc) по сельскохозяйтсвенным наукам

Content of dissertation abstract of doctor of agricultural science (DSc)

Нортожиев Бобошер Шералиевич
Лимон ҳосилдорлигини оширишда биоўғитларнинг таъсирини ва мевaларини сақлаш технологиясини илмий асослаш..... 3

Нортожиев Бобошер Шералиевич
Научное обоснование влияния биоудобрений на повышение урожайности лимона и технология хранения его плодов..... 25

Nortojiyev Bobosher Sheraliyevich
Scientific substantiation of the influence of biofertilizers on increasing lemon productivity and technology for preserving its fruits..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works……...…….……..... 51

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

М.МИРЗАЕВ НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИКОТ ИНСТИТУТИ

НОРТОЖИЕВ БОБОШЕР ШЕРАЛИЕВИЧ

ЛИМОН ҲОСИЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА БИОЎҒИТЛАРНИНГ ТАЪСИРИНИ ВА МЕВАЛАРИНИ САҚЛАШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ИЛМИЙ АСОСЛАШ

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик,
06.01.11- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясида B2024.4.DSc/Qx331 рақам билан рўйхатга олинган.

Фан доктори (DSc) диссертацияси М.Мирзаев номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқикот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Исламов Сохиб Яхшибекович** қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Додаев Қўчқор Одилович,** техника фанлари доктори, профессор.
	Фахриддинов Нуриддин Зайниддинович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
	Гулов Саидали Мамурович биология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	**Самарқанд агроинновациялар ва тадқиқотлар институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил 9 декабрь соат 14^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260–48–00; факс: (+99871) 260–38–60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс маркази биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 555328-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260–50–43).

Диссертация автореферати 2025 йил 27 ноябрь куни тарқатилди.

(2025 йил 24 октябрдаги 48-рақамли реестр баённомаси).

Ш.И.Асатов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к/х.ф.д., профессор

М.З. Холмуротов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к/х.ф.ф.д. (PhD), доцент

С.А. Юнусов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д., профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Лимон (*Citrus limon* L.) дунё озиқ-овқат саноатида муҳим аҳамиятга эга. Ушбу мева турини нафақат янгилигича, балки ундан турли саноат даражасида, жумладан, турли хил ичимликлар, шарбатлар, мураббо, эфир мойлари ва бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда кенг фойдаланилмоқда. Лимон ўсимлигининг айрим навлари баъзи ноқулай иқлим шароитларга бардошли бўлиб, лимоннинг ушбу навларини ўзгарувчан иқлим шароитида етиштириш ҳам мумкин бўлади. “Дунё бўйича ҳар йили цитрус мевалардан 146 866 263 тонна етиштирилади. Бунда турли давлатларни улуши турлича бўлиб, Хитой дунёдаги энг йирик цитрус мевалари етиштириб берувчиси ҳисобланиб, йилига 38 392 847 тонна, Бразилия 19 591 623 тонна, Ҳиндистон 12 043 000 тоннани ташкил этади. Ҳосилдорлик бўйича етакчи цитрус меваларини етиштирувчи давлатлар учталигида Туркия (31,6 т/га), Бразилия (25,7 т/га) ва Хитой (14,6 т/га) давлатлари юқори ўринларда туради”[1]. Бугунги кунда лимон меваларини етиштиришда турли агротехник тадбирларни қўллаш, ҳосилдорликни ошириш, меваларни сифатли ва узоқ муддат давомида сақлаш технологиясини ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Дунёда цитрус меваларини етиштирувчи Хитой, Ҳиндистон, Бразилия, Туркия ва АҚШ каби мамлакатларда цитрус мевалари ассортиментини кенгайтириш, уларни турли ноқулай иқлим шароитига бардошли навларни яратиш ҳамда ресурстежамкор технологиялар асосида ҳосилдорликни ошириш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Замонавий агротехнологиялар асосида цитрус экинларини етиштиришда мақбул озиқлантириш меъёрларини ишлаб чиқиш ва улардан унумли фойдаланиш ҳисобига лимон меваларини етиштириш ҳажми ортиб бормоқда.

Республикамизда цитрусчилик, жумладан, лимон ўсимлигини ўсиши ва ривожланишида турли-хилдаги замонавий биоўғитлардан фойдаланиш, анъанавий агротехник тадбирларни қўллаш, лимон меваларини сифатли ва узоқ муддатли сақлаш бўйича бир қанча илмий-тадқиқотлар олиб борилган ва маълум бир натижаларга эришилган. Лекин бугунги кундаги замонавий технологиялар асосида турли биоўғитлардан фойдаланилган ҳолда ўсимликни ўсиши ва ривожланиши, ҳосилдорлигини ошириш, сифатли ҳалқаро бозор талабларига мос меваларни етиштириш, уларни сифатли ва узоқ муддатли сақлаш технологиясини такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар етарлича олиб борилмаган. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашга бағишланган ПФ-60-сонли Фармонининг 3.30-бандида ҳам “Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 % га етказиш” масалалари алоҳида

[1] www.fao.org

белгилаб қўйилган. Бугунги кунда лимончилик тармоғини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, лимонзорлар майдонини кенгайтириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини кўпайтириш борасида изчил чоралар амалга оширилаётганлиги сабабли лимон мевасини жадал етиштириш технологиясини такомиллаштириш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги ПҚ-3586-сон “Ўзбекистон Республикасида лимончилик соҳасини янада ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2020 йил 19 февралдаги ПҚ – 4610-сон “Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори, 2025 йил 14 февралдаги ПФ-22-сон “Томорқа ер эгалари ва деҳқон хўжаликлари фаолиятида замонавий ташкилий тизимни жорий қилиш ва молиявий қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” Фармонига мувофиқ республика ҳудудларида лимон етиштиришни кўпайтириш, қайта ишлаш, лимон етиштиришга ихтисослашган деҳқон хўжалиги, томорқа ер эгалари ҳамда иссиқхона хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2025 йил 2-апрелдаги 198-сон қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти фан ва технологиялари ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи. Лимон ўсимликлари боғларини барпо этиш, юқори ва сифатли маҳсулот етиштириш ва меваларни сақлаш бўйича дунёнинг етакчи илмий-тадқиқот институтлари, илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, East Malling Research Station (Буюк Британия), Horticultural Research Institute of Ontario (АҚШ), Research and Breeding Institute of Pomology Holovousy Ltd. (Чехия), Institute for Fruit breeding at Dresden-Pillnitz (Германия), Россиянинг боғдорчилик ва кўчатчилик селекцион-технологик институти ҳамда Қрим тажриба-селекцион станцияси (Россия) да илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Илмий изланишларнинг асосий йўналишлари цитрус мевали ўсимликларни ҳимояланган иншоотларда етиштириш технологияларини ишлаб чиқиш, уларнинг йирик мевали, ҳосилдорлиги юқори ва турли ноқулай иқлим шароитларига чидамли навларини яратиш ва меваларини сақлашга қаратилган. Шунинг учун цитрус мевали ўсимликлардан лимоннинг кўплаб маҳаллий тупроқ-иқлим шароитига мос кўплаб навлари яратилган бўлиб, ёпиқ шароитларда анъанавий усулларда етиштириш технологияси, ўсимликларни турли биоўғитлар билан озиқлантириш меъёрлари, ва меваларни аньанавий усулда сақлаш технологиялари ишлаб чиқилган ҳамда бугунги кунда лимон ўсимлигини ҳосилдорлигини, товарбоплик кўрсаткичларини ошириш ва

меваларини сақлашда инновацион технологияларни қўллаш бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Бугунги кунда лимон ўсимликларини ҳимояланган иншоотда хандакларда етиштириш, уларни ҳосилдорлигини оширишда турли агротехник тадбирларни амалга ошириш, интенсив етиштириш технологиялари (замонавий биоўғитлар билан озиқлантириш) лимон меваларини турли усулларда сифатли ва узоқ муддат сақлаш бўйича тадқиқотларни ривожлантириш устувор аҳамиятга эга ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Лимон меваларини интенсив етиштириш ва сақлаш бўйича хорижий олимлардан E.A.Ackerman, P.Aleza, F.A.Begum, G.P.Bernet, M.P.Breto, L.B.Chhetri, I.A.Khan, K.Hancevic, R.Reddy. Verma S, Kumar V, Narula N and Merbach, W.F.Abobatta, МДҲ давлатларида Россияда А.Д.Александров, Л.Я.Айба, В.В.Воронцов, Д.Д.Бакир-оглы, В.М.Горшков, Г.С.Даулбаева, Л.И.Улейская, Ф.В.Садыкова, М.М.Ишмуратова, Р.В.Кулян, Ф.А.Фогель, Б.Н.Стрельцов, Республикамизда эса фахрий академиклар З.Фахриддинов, М.М.Мирзаев, селекционер В.И.Цулая, М.А.Арсланов, Н.С.Поляков, М.П.Анарбаев. У.Э.Эшанкулов, Б.Гуломов, С.М.Животинская, Д.Б.Мирзалиев, М.З.Фахриддинов, Н.З.Фахрутдинов ва бошқалар томонидан илмий-тадқиқотлар олиб борилган.

Муаллифлар томонидан цитрус мевали ўсимликлардан лимоннинг янги навларини яратиш, сифатли кўчатларни кўпайтиришнинг интенсив технологиясини ишлаб чиқиш, ҳосилдорликни ошириш ва меваларни сақлаш бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилган. Цитрус ўсимликлари кўчатларини вегетатив кўпайтириш, экиш муддатлари, экиш схемаларини ишлаб чиқиш, озиқлантириш, суғориш меъёрлари ва дарахтларга шакл бериш ҳамда лимон меваларини сақлаш бўйича тавсиялар берилган.

Бугунги кунда истиқболли цитрус ўсимликлари самарадорлигини ошириш, янги тур ва навларни биологик, қимматли хўжалик белгиларини ўрганиш, ҳосилдорликни оширишда интенсив усулларини қўллаш, етиштиришда ресурстежамкор самарали агротехнологияларни қўллаш бўйича илмий-тадқиқот ишлари давом эттирилмоқда. Шу муносабат билан диссертация ишининг мақсад ва вазифасига кўра, лимон ўсимликларини агробиологик хусусиятларини ўрганиш, ўсимликларни парваришлашда биоўғитларни қўллаш меъёрлари ва усуллари, ҳосилдорликни ошириш, сифатли меваларни етиштириш ҳамда лимон меваларни сифатли ва узоқ муддат давомида сақлаш, меваларни биокимёвий таркибини аниқлаш, лимон мевасини етиштириш ва сақлашнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида №А-QX-2021-118 рақамли «Лимон кўчатларини инновацион технологиялар асосида етиштириш ҳамда уларни зараркунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш

агротехнологиясини яратиш» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида амалга оширилган (2021-2022 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади ҳимояланган иншоотларда, лимон ҳосилдорлигини оширишда турли биоўғитларни қўллаш усуллари ва меъёрларини ишлаб чиқиш, лимон меваларини сифатли ҳамда узоқ муддат сақлашни илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

лимоннинг 2-3 ёшли ўсимлигининг новдаларини жадал ўсиши ва ривожланишига турли хил биоўғитлар билан озиқлантиришнинг таъсирини аниқлаш;

турли хил биоўғитлар билан озиқлантирилган лимон ўсимлигининг паст ҳароратга чидамлилигини аниқлаш;

лимон ўсимлигининг ҳосилдорлигига ва мева сифатига турли биоўғитлар билан озиқлантиришнинг таъсири аниқлаш;

лимон навлари меваларини оддий омборхоналарда сақлашда табиий камайиш кўрсаткичларини аниқлаш;

лимон меваларини оддий омборхоналарда сифатли ва узоқ муддат сақланишига турли қадоқлаш материалларининг таъсирини аниқлаш;

лимон меваларини оддий омборхоналарда сақлашда турли қадоқлаш материалларининг маҳсулотнинг табиий камайишига таъсирини аниқлаш;

лимон меваларини совутгичли омборхоналарда сифатли ва узоқ муддат сақланишига таъсир этувчи мақбул ҳаво ҳарорати ва нисбий намлигини аниқлаш;

лимон меваларини сақлашдан сўнг мевалар таркибидаги қуруқ моддалар ва қандлилик даражасини аниқлаш;

лимон меваларини етиштириш ва сақлашнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида лимон (*Citrus limon* L.*)* нинг интродукция қилинган “Мейер”, маҳаллий навларидан “Ташкентский”, “Юбилейный” ва ушбу навларни мевалари ҳамда Хитойдан кириб келаётган лимон меваларини сақлаш жараёнларида фойдаланиш учун танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети цитрус мевали ўсимликлардан лимон ўсимлигини агробиологик хусусиятлари, турли биоўғитлар ва уларнинг меъёрларини вегетатив ва генератив органларни ўсиши ва ривожланишига таъсир этувчи моддалар, ҳосилдорликни ва мева сифат кўрсаткичларини ортишига таъсир этувчи бошқа омиллар, лимон меваларини совутгичли ва оддий омборхоналарда сақлашда фойдаланиладиган турли қадоқлаш материалларининг таъсиридан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини ўтказиш, цитрус ўсимликлари фенологик фазаларини аниқлаш, лимоннинг турли ёшдаги ўсимликларини парваришлаш, ҳосилдорлигини ошириш ва уларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш Х.Ч.Буриев ва бошқаларнинг “Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси” (2014), В.И. Полегаевнинг “Методы

оценки качества плодов и овощей” методик ишланмаси (1978), лимон меваларини сақлашга жойлашдаги сифат кўрсаткичларини аниқлашда ГОСТ 4429-82 Лимоны . Технические условия давлатлараро стандарти, лимон меваларининг таркибидаги қуруқ модда миқдорини ГОСТ 2173-2013 стандарти, цитрус меваларини тоза, қуруқ, ҳидсиз биноларда меъёрий ҳужжатларга мувофиқ хавфсизлигини таъминлайдиган шароитларда сақлашда ГОСТ 34307— 2017, лимон меваларини таркибидаги витаминларни аниқлаш ГОСТ 25999-83 стандарти, лимон меваларини сақлашгача ва сақлашдан кейинги таркибидаги моно ва дисахаридлар, органик кислоталар, пектин моддалари – карбазол усули билан; лимон бўлагини татиб кўриш орқали баҳолаш ГОСТ 8756.1 стандарти билан, лимон сифатини сертификатлаш ва назорат қилиш бўйича FFV-51 талаблари, маҳсулотларни органолептик таҳлил қилишда муҳимлик коэффициентларини аниқлашда Е.П.Широков ва В.И.Полегаевлар томонидан мева-сабзавотлар сифатини баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган услубларидан, лимон меваларининг биокимёвий таркибини таҳлил қилишда А.И.Ермакованинг «Методы биохимического исследования растений» услубий қўлланмаси асосида, тажрибаларда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлили «Excel 2016» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида, 0,95 % ишончлилик оралиғи билан Б.А.Доспехов (1985) услуби бўйича таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор лимон навларининг 2-3 ёшли ўсимликлари TERIA (5л/га) биоўғити билан 4 маротаба баргидан озиқлантирилганда, Мейер навида 10,2 см, Ташкентский навида 10,0 см, Юбилейный навида 11,0 см, SERHOSIL (10 л/га) биоўғитда озиқлантирилганда эса Мейер навида 14,2 см, Ташкентский навида 11,8 см, Юбилейный навида 14,5 см новдаларнинг ўсиш кўрсаткичлари юқори бўлганлиги аниқланди;

лимон навларининг ўсимликлари -6-8^{o}C паст ҳароратда зарарланганда, қайта тикланиш кўрсаткичлари, NOVO ORGANIC ME (5л/га) биоўғити билан 4 маротаба озиқлантирилганда, Мейер навида 80 %, Ташкентский навида 82 %, Юбилейный навида 78 %, бўлганлиги аниқланди;

лимон навларининг ўсимликлари SERHOSIL (10 л/га) биоўғитда 6 маротаба озиқлантирилганда эса Мейер навида 20 % га Ташкентский навида 19 % га, Юбилейный навида 18 % га юқори ҳосилдорлик юқори бўлган ва 1 дона лимон мевасининг оғирлиги эса Мейер навининг меваси 25-30 г Ташкентский навининг меваси 15-20, Юбилейный навининг меваси 35-40 г га ортганлиги аниқланди;

лимон мевалари оддий омборхоналарида ҳаво ҳарорати ўртача 6-14^{o}C нисбий намлиги 45-55 % ўзгарувчан шароитда 90 кун давомида сақланганда, Мейер навида 16,2 %, Ташкентский навида 15,9 %, Юбилейный навида 13,6 % Хитой лимонида эса 15,7 % табиий камайиш кўрсаткичи аниқланди;

лимон мевалари совутгичли омборхоналарида ҳаво ҳарорати ўртача 2-3^{o}C нисбий намлиги 85-90 % шароитда 90 кун давомида сақланганда, Мейер навида 2,5 %, Ташкентский навида 2,4 %, Юбилейный навида 2,2 % Хитой

лимонида эса 2,3 % табиий камайганлиги аниқланди;

лимон меваларини сифатли ҳолатда совутгичли омборхоналарда сақлашда, ҳаво ҳарорати 2-3^{o}C, нисбий намлиги эса 85-90 % энг мақбул шароит эканлиги исботланган;

лимон мевалари оддий омборхоналарда, ҳаво ҳарорати 6-14^{o}C, нисбий намлиги 45-55 % ўзгарувчан шароитда 90 кун давомида сақланганда, товарбоп маҳсулот чиқиш кўрсаткичлари пергамент қоғозда сақланганда 82,1 %, полиэтилен қопчаларда сақланганда эса 85,2 % бўлганлиги аниқланди;

лимон мевалари оддий омборхоналарда, ҳаво ҳарорати 6-14^{o}C, нисбий намлиги 45-55 % ўзгарувчан шароитда турли қадоқлаш материалларига қадоқланиб, 90 кун давомида сақланганда, пергамент қоғозда қадоқлаб сақланганда 12,2 %, полиэтилен қопчаларда сақланганда эса 8,5 % табиий камайиши аниқланди;

лимон меваларини сақлашдан сўнг мевалар таркибидаги қуруқ моддалар ва қандлилик кўрсаткичлари таҳлил этилганда, қуруқ модда миқдори 0,4-0,6 % га, қандлилик даражаси эса 0,2-0,3 % га ортганлиги аниқланди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон шароитида турли-хил биоўғитлар билан озиқлантирилган лимоннинг 2-3 ёшли ўсимликларининг ўсиш ва ривожланиш қонуниятлари, фенологик фазаларининг давомийлиги ва ҳосилнинг шаклланишига таъсири назоратга таққосланганда ёш кўчатлар новдаларида ўсиш даражаси 1,5-2 баробарга ортиши, меваларнинг шаклланиши, яъни товарбоп мевалар кўрсаткичлари эса 15-20 % ортганлиги аниқланган;

лимон ўсимликлари тавсия этилган биоўғитлар билан озиқлантирилганда мева таркибидаги қандлилик кўрсаткичлари назоратга нисбатан 0,4-0,6 % ортганлиги аниқланган;

ҳимояланган иншоотда лимон ўсимликларини парваришлаш бўйича, яъни биоўғитлар билан озиқлантиришда энг мақбул меъёрлари ва агротехнологияси ишлаб чиқилган;

лимон навлари меваларини омборхоналарда сақлашда меваларни сифатли ва узоқ муддат сақланишига турли қадоқлаш материалларининг таъсири ўрганилиб, пергамент қоғозда сақланганда 82,1 %, полиэтилен қопчаларда сақланганда эса 85,2 % товарбоп маҳсулот чиқиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Илмий-тадқиқот натижаларини апробация комиссиялари томонидан ҳар йили ижобий баҳоланганлиги, илмий-тадқиқотлар тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли ташкилотлар илмий кенгашида муҳокама этилганлиги, тажриба маълумотларининг статистик таҳлилдан ўтказилганлиги, олинган илмий натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тажриба натижаларининг халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама этилганлиги, тавсиянома ишлаб чиқилганлиги ҳамда маҳаллий ва хорижий нашрларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти лимонни республикада кенг тарқалган “Мейер”, маҳаллий “Ташкентский” ва “Юбилейный” навлари ўсимликларини ҳимояланган иншоотларнинг ҳаво ҳарорати ва ҳавонинг нисбий намлиги, биоўғитларни меъёрлари ўсимликларнинг ўсиш-ривожланиши орасида ўзаро корреляцион боғлиқлик мавжудлиги, лимон навларининг ҳосилдорлигини ортиши, ўғитлар таъсирида товарбоп маҳсулотларнинг ортиши, меваларни сақлашда қадоқлаш материлларидан пергамент қоғоз ва полиэтелен қопчаларда қадоқланганда сифатли ва узоқ муддат сақланганлиги ва сақлаш усулларига боғлиқлиги илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти лимонни етиштиришнинг агротехнологик харитаси ишлаб чиқилганлиги, лимон ўсимликларини озиқлантириш усуллари ва меъёрлари ишлаб чиқилганлиги, лимон ўсимликларидан юқори ва сифатли ҳосил олиш усулларини ишлаб чиқилганлиги, озиқлантиришнинг самарали меъёрлари аниқланганлиги ҳамда лимон меваларини сақлашда меваларда физиологик жараёнлар турлича кечиши, қадоқлаш материалларининг меваларни сифатига ва сақланувчанлигига таъсири аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон шароитида лимон ўсимликларини парваришлашда биоўғитлардан кенг фойдаланиш ва ҳосилдорликни ошириш ҳамда лимон меваларини сифатли ва узоқ вақт давомида сақлашнинг илмий асослари бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

Лимон ўсимлигини парваришлаш ва ҳосилдорлигини ошириш технологияси Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани “Тўлғоной” фермер хўжалигида 0,8 га майдонида жорий этилган (Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасининг 17.05.2025-йилдаги № 157-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида 1 га майдондан олинган ҳосилдорлик кўрсаткичлари назорат вариантида 52,6 т/га, TERIA биоўғити қўлланганда 58,3 т/га, SERHOSIL биоўғити қўлланганда 62,1 т/га ва NOVO ORGANIC ME биоўғити қўлланганда эса 56,4 т/га маҳсулот олишга эришилган. Маҳсулот сотишда рентабеллик даражаси эса назорат вариантида 73,4 %, TERIA биоўғити қўлланганда 80 %, SERHOSIL биоўғити қўлланганда 96,5 % ва NOVO ORGANIC ME биоўғити қўлланганда эса 71,4 % рентабелликка эришилган.

Лимон меваларини сақлаш ишланмаси Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани “ECO AGRO PRODUCT” фермер хўжалигининг 100 т сиғимга эга совутгичли омборхонасида ҳар бир лимон нави мевасидан 10 т, жами 30 т лимон меваси сақлашга жорий этилган (Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасининг 17.05.2025-йилдаги № 157-сонли маълумотномаси). Натижада тавсия этилган ишланма асосида лимон навлари мевалари сақлашдан сўнг табиий камайиш кўрсаткичлари таҳлил этилиб, 1000 кг маҳсулотдан Мейер навида 826 кг, Ташкентский навида 846 кг ва Хитойдан келтирилган лимон навида эса 837 кг сифатли маҳсулот

сақлаб қолинган. Маҳсулотни сотишда рентабеллик даражаси Мейер навида 44,3 %, Ташкентский навида 64,7 % ва Хитойдан келтирилган лимон мевасида эса 26,0 % рентабелликка эришилган.

Лимон меваларини етиштириш технологияси Андижон вилояти Асака тумани “Valled seeds” МЧЖ га қарашли 1,8 га ҳимояланган иншоотда жорий этилган (Цитрус, субтропик ва тропик ўсимлик етиштирувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасининг 17.05.2025-йилдаги № 157-сонли маълумотномаси). Натижада, лимоннинг “Тошкент” навидан 250 туп лимон дарахти парваришланиб, 1 га майдондан ўртача 7,5 т маҳсулот олишга эришилган. Тавсия этилган ишланма асосида лимон ўсимлигини парваришлашда биоўғитлардан фойдаланилганда, ҳосилдорлик кўрсаткичи 0,8-1,0 баробарга ортиб, 72,8 % рентабелликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация тадқиқот натижалари 6 та, шу жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан 11 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 190 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш тўғрисида маълумотлар, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **“Цитрус ўсимликларини интенсив етиштириш ва ҳосилдорлигини оширишнинг назарий асослари (адабиётлар шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича хорижий ва республика олимларининг ушбу мавзу юзасидан олиб борган илмий тадқиқотлари ва адабий манбалари шарҳланган. Бинобарин, лимон ўсимлигининг ботаник классификацияси, агробиологик хусусиятлари, лимон етиштириш ва сақлашнинг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, лимон ўсимликларини биоўғитлар билан озиқлантириш орқали

ҳосилдорлигини ошириш ва меваларни сифатли сақлаш усуллари ва технологиялари юзасидан адабиётлар маълумотлари тавсифланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказилган жойнинг иқлим шароитлари ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан асосий дала тажрибалари олиб борилган жойнинг тупроқ-иқлим шароити, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда тажрибаларни ўтказиш услублари тавсифланган. Ушбу бобнинг “Тадқиқотлар ўтказилган ҳудудларнинг жойлашган ўрни ва иқлим шароитлари тавсифи” бўлимида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан ҳар бир алоҳида тажрибанинг ўтказилиш услублари, дала тажрибалари ва лаборатория таҳлилларини олиб бориш схемалари, тажрибаларда қўлланилган кузатувлар ва ҳисоблар, лаборатория таҳлиллари, шунингдек тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг “**Лимон ўсимлигининиг вегетатив органларини ўсиши ва ривожланишига турли биоўғитларнинг таъсири**” деб номланган учинчи бобида лимон ўсимликларини замонавий биоўғитлар билан озиқлантириш, ўсимликларнинг ўсув фазаларида турли ўзгаришларни таҳлил этиш ва фенологик кузатувлар ва биометрик ўлчовларнинг таҳлили бўйича тадқиқот натижалари келтириб ўтилган. Жумладан, ушбу бобнинг “**Лимон ўсимлигининг новдаларини жадал ўсиши ва ривожланишига турли хил биоўғитларнинг таъсири”** деб номланган биринчи бўлимида лимон навларининг 2-3 ёшли ўсимликларининг ўсиши ва ривожланишига турли омилларнинг таъсири таҳлил этилиб, энг асосий омиллардан, яъни тажрибаларимизда қўлланилаётган биоўғитлар ўсимликларни ўсиши ва ривожланишига ҳимояланган иншоотдаги ҳаво-ҳароратига боғлиқ равишда бўлиши ва лимон навлараро ўсиш даражалари турлича фарқланганлиги аниқланди. Юқорида қайд этиб ўтилганидек, ушбу биоўғитларнинг ўсимликларга таъсир кўрсатиши ҳаво-ҳарорати 20-22^{o}C ва 26-28^{o}C ларда ўсимлик новдаларини ўсиш жадаллиги таҳлил этилди.

Шу билан бир қаторда, лимон навларининг ёш ўсимликларининг меъёрда ўсиши ва ривожланиш даражасига таъсир кўрсатадиган бешта асосий ташқи муҳит омиллари бўлиб, булар ёруғлик, иссиқлик, сув, озуқа моддалари ва намликдан иборат эканлиги ва ушбу шароитда лимон навлари ўсимликларига SERHOSIL биоўғити билан озиқлантирилганда Мейер навида 38,5 см, Ташкентский навида 39,1 см, Юбилейный навида 41,1 см новдалар ўсганлиги кузатилган.

NOVO ORGANIC ME ўғитида эса Мейер навида 32,5 см, Ташкентский навида 34,1 см, Юбилейный навида 34,4 см гача ўсимлик новдаларининг ўсиши ва ривожланиш кўрсаткичлари аниқланганлиги тўғрисидаги тажриба натижаларида келтириб ўтилган бўлиб, бунда лимон ўсимлиги новдаларини иншоотдаги ҳароратга боғлиқ равишда биоўғитлар таъсирида жадал ўсиш кўрсаткичлари навлараро ва вариантлараро таққослаб чиқилганлиги келтириб ўтилган.

1-жадвал

Лимон ўсимлиги новдаларининг ўсиши ва ривожланишига турли биоўғитларнинг таъсири, % (2022-2025 й.й.).

№	Вариантлар (ишлов берилган препа-ратлар)	Лимон навлари	Ўсимлик новдаларини ўсиши ва ривожланиш кўрсаткичлари, см							
			18-20°C ҳарорат				24-26°C ҳарорат			
			10/II	20/II	02/III	жами	03/III	13/III	23/III	жами
1	(назорат)	Мейер	2,1	2,6	3,8	8,5	5,2	8,3	11,2	24,7
		Ташкентский	2,6	2,9	4,6	10,1	5,4	8,6	12,4	26,4
		Юбилейный	2,5	3,3	4,7	10,3	5,8	8,9	13,5	28,2
2	TERIA	Мейер	2,4	4,6	5,3	12,3	8,4	12,8	14,2	35,4
		Ташкентский	2,6	4,7	6,8	14,1	8,9	13,2	15,3	37,4
		Юбилейный	2,8	5,3	7,5	15,6	9,2	14,3	16,1	39,6
3	SERHOSIL	Мейер	2,3	4,4	5,8	12,5	8,5	14,2	15,8	38,5
		Ташкентский	3,6	4,8	5,8	14,2	9,1	13,8	16,2	39,1
		Юбилейный	3,9	4,9	6,3	15,1	9,3	14,5	17,3	41,1
4	NOVO ORGANIC ME	Мейер	2,2	4,3	5,8	12,3	7,2	12,2	13,1	32,5
		Ташкентский	2,4	4,2	6,6	13,2	8,2	12,7	13,2	34,1
		Юбилейный	2,7	4,6	6,8	14,1	8,4	12,3	13,7	34,4
$ЭКФ_{05}$						0,3				0,4
Sx=						0,09				0,15

Тажрибада лимон ўсимликларини ўсув тўлқинлари февраль ва март ойларининг турли декадаларида турлича бўлганлиги аниқланган (1-жадвал).

Диссертациянинг **“Лимон ўсимлиги новдаларининг паст ҳароратга чидамлилигини оширишда турли хил биоўғитларнинг таъсири”** деб номланган учинчи боб, иккинчи бўлимида лимон навларининг 2-3 ёшдаги ўсимликлари -6-8°C ҳароратда зарарланганда турли биоўғитлар билан озиқлантирилган кўчатларни қайта тикланиш кўрсаткичлари турлича бўлиб, кейинги босқичда уларни ўсиши ва ривожланиш даражаси лимон навлари ва озиқлантирилган биоўғит таъсирида турлича бўлганлиги келтириб ўтилган (1-расм).



1-расм. Паст ҳароратдан зарарланган лимон ўсимлиги навларининг куртаклари ва барг япроқларини ривожланиш кўрсаткичлари %

Диссертациянинг **“Турли-хил биоўғитлар билан озиқлантирилган лимон ўсимликларини ўсиш ва ривожланиш босқичлари”** деб номланган учинчи боб, учинчи бўлимида лимон навлари ўсимликларига SERHOSIL биоўғити билан озиқлантирилганда хандакларда парваришланаётган лимон навлари ўсимликларини ўсув фазалари навлараро таққосланганда, гуллаш фазасининг бошланиши тажрибамизда ўрганилаётган барча лимон навлари аро 2-6 кунга фарқланиши кузатилган (2-жадвал).

2-жадвал

Лимон навлари ўсимликларини ҳимояланган иншоотларда (хандак) ва иссиқхоналарда парваришлашда уларнинг ўсиши ва ривожланишига турли биоўғитларнинг таъсири (2022-2025 й.й.).

Т/г	Вариантлар	Лимон навлари	Гуллаш жараёни			Гуллаш давомийлиги, кун	Ремонтантлик хусусияти	Фаол иссиқлик йиғиндиси
			гуллашнинг бошланиш	ёппасига гуллаш	гуллашнинг тугаши			
Ҳимояланган иншоот (ҳандак)								
1	(назорат)	Мейер	20/ III	01/ IV	20/ IV	30	пассив	465
		Ташкентский	20/ III	05/ IV	25/ IV	35	пассив	472
		Юбилейный	22/ III	08/ IV	28/ IV	37	пассив	483
2	TERIA	Мейер	15/ III	28/ III	14/ IV	29	ўртача	455
		Ташкентский	17/ III	30/ III	20/ IV	33	ўртача	462
		Юбилейный	20/ III	02/ IV	25 IV	35	ўртача	473
3	SERHOSIL	Мейер	11/ III	22/ III	10/ IV	29	юқори	452
		Ташкентский	14/ III	25/ III	15/ IV	31	юқори	458
		Юбилейный	17/ III	01/ IV	19 IV	32	юқори	468
4	NOVO ORGANIC ME	Мейер	16/ III	29/ III	15/ IV	29	ўртача	456
		Ташкентский	19/ III	30/ III	22/ IV	33	ўртача	463
		Юбилейный	21/ III	04/ IV	27 IV	35	ўртача	476
Ҳимояланган иншоот (иссиқхона)								
1	(назорат)	Мейер	20/ II	10/ III	20/ III	30	ўртача	465
		Ташкентский	22/ II	12/ III	24/ III	36	ўртача	472
		Юбилейный	22/ II	13/ III	26/ III	38	ўртача	483
2	TERIA	Мейер	16/ II	14/ III	13/ III	30	ўртача	465
		Ташкентский	18/ II	16/ III	15/ III	36	ўртача	472
		Юбилейный	20/ II	18/ III	18/ III	38	ўртача	483
3	SERHOSIL	Мейер	14/ II	25/II	11/ III	30	юқори	465
		Ташкентский	16/ II	27/II	14/ III	36	юқори	472
		Юбилейный	18/ II	02/ III	17/ III	38	юқори	483
4	NOVO ORGANIC ME	Мейер	17/ II	01/ III	16/ III	30	ўртача	465
		Ташкентский	18/ II	02/ III	19/ III	36	ўртача	472
		Юбилейный	21/ II	03/ III	21/ III	38	ўртача	483

Ушбу тажрибамизда иншоотдаги ҳаво ҳарорати ўртача 20-22°С бўлганда лимон навлари кўчатларини TERIA (5 л/га) биоўғити билан пуркаш орқали баргидан 4 маротаба озиқлантирилганда новдаларнинг ўсиш кўрсаткичлари Мейер навида 12,3 см, Ташкентский навида 14,1 см, Юбилейный навида 15,6 см новдаларнинг ўсиш даражалари аниқланди.

Лимон навлари кўчатлари SERHOSIL (10 л/га) биоўғити билан ўсимлик баргидан пуркаш орқали 4 маротаба озиқлантирилганда новдаларнинг ўсиши Мейер навида 12,5 см, Ташкентский навида 14,2 см, Юбилейный навида 15,1 см новдаларнинг ўсганлиги кузатилди.

Диссертациянинг **“Лимон ўсимлигининг ҳосилдорлиги ва мевасининг биокимёвий таркиби ўзгаришига турли биоўғитларнинг таъсири”** деб номланган тўртинчи бобнинг “**Лимон ўсимлигининг ҳосилдорлигига ва мева сифатига турли биоўғитларнинг таъсири”** деб номланган биринчи бўлимида Мейер, Ташкентский, Юбилейный навларининг ҳосилдорлиги ўрганилган бўлса, ушбу навлар ўсимликларини озиқлантиришда замонавий биоўғитлардан TERIA, SERHOSIL ва NOVO ORGANIC ME турларидан фойдаланилган энг мақбул биоўғит тури ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари келтириб ўтилган. Ўсимликларни озиқлантириш жараёнида турли усулларда, яъни баргидан ва илдиз тизимидан озиқлантириш бўйича тажрибалар ўтказилди. Тажрибалар 4 вариант ва 4 қайтариқда олиб борилди (3-жадвал).

Тажрибаларимизда 2022-йилдаги лимон навларининг 1 туп ўсимликдаги ҳосилдорлиги NOVO ORGANIC ME (10 л/га) биоўғити билан 4 маротаба озиқлантирилганда лимоннинг Мейер навида 23,1 кг, Ташкентский навида 25,1 кг, Юбилейный навида 28,3 кг ҳосил олинганлиги аниқланди.

3-жадвал

Лимон навлари ўсимлигининг ҳосилдорлигига турли биоўғитлар билан озиқлантиришнинг таъсири (2022-2025 й.й)

Т/р	Вариантлар (ишлов берилган препаратлар)	Лимон навлари	Тупдаги ҳосилдорлик, кг				Ўртача, кг
			2022	2023	2024	3 йиллик ўртача	
1	NPK (назорат)	Мейер	17,3	13,2	19,4	49,9	16,6
		Ташкентский	20,1	15,6	22,4	58,1	19,4
		Юбилейный	22,2	17,6	23,8	63,6	21,2
2	TERIA	Мейер	23,4	18,6	25,3	67,3	22,4
		Ташкентский	25,2	20,1	28,3	73,6	24,5
		Юбилейный	28,6	22,5	31,2	82,3	27,4
3	SERHOSIL	Мейер	25,7	19,7	28,4	73,8	24,6
		Ташкентский	27,4	21,2	30,3	78,9	26,3
		Юбилейный	32,6	23,6	35,4	91,6	30,5
4	NOVO ORGANIC ME	Мейер	23,1	18,3	25,2	66,6	22,2
		Ташкентский	25,1	18,3	28,3	71,7	23,9
		Юбилейный	28,3	22,2	31,2	81,7	27,2
$ЭКФ_{05}$						0,3	0,4
Sx=						0,14	0,09

Тадқиқотларда лимон ҳосилдорлиги 2023-йил давомидаги маълумотлар таҳлил этилганда, тажрибаларда лимон навларининг 1 туп ўсимликдаги ҳосилдорлик кўрсаткичлари назорат вариантида лимоннинг Мейер навида 13,2 кг, Ташкентский навида 15,6 кг, Юбилейный навида 17,6 кг ҳосил олинганлиги аниқланди.

Диссертациянинг **“Лимон навлари меваларини морфометрик кўрсаткичларига турли биоўғитлар билан озиқлантиришнинг таъсири”** деб номланган тўртинчи боб иккинчи бўлимида лимон навлари ўсимликларига SERHOSIL биоўғити билан озиқлантирилганда лимон навлари меваларининг морфометрик кўрсаткичлари нав хусусиятларига мос равишда бўлиб, 1 дона меванинг ўртача вазни Мейер навида 130-150 гр, Ташкентский навида 160-200 гр ва Юбилейный навида эса 280-350 гр ни ташкил этди. Лимон меваларининг бўйи ва эни таҳлил этилганда, Мейер нави мевасининг ўртача бўйи 10,1 см, эни 8,8 см, Ташкентский нави мевасининг ўртача бўйи 11,6 см, эни 9,2 см, ва Юбилейный мевасининг ўртача бўйи 13,4 см, эни 12,2 см ни ташкил этганлиги келтириб ўтилган (4-жадвал).

4-жадвал

Лимон навлари меваларининг морфометрик кўрсаткичларига турли-хил биоўғитларнинг таъсири (2022-2025 й.й)

Навлар	1 дона меванинг ўртача вазни, гр	Меванинг бўйи,см	Меванинг эни,см	Мева уруғи, дона	Мева уруғи, гр
(назорат)					
Мейер	100-130	9,2	7,8	3-4	12-14
Ташкентский	140-160	9,8	8,2	3-4	13-15
Юбилейный	250-280	12,2	10,7	4-5	16-18
$ЭКФ_{05}$		0,8	0,6	0,7	0,4
Sx=		0,12	0,014	0,013	0,012
TERIA					
Мейер	120-140	9,8	8,2	4-5	14-15
Ташкентский	150-160	10,2	8,6	3-4	14-16
Юбилейный	280-320	12,6	11,3	4-6	17-19
$ЭКФ_{05}$		0,8	0,6	0,6	0,4
Sx=		0,13	0,011	0,012	0,011
SERHOSIL					
Мейер	130-150	10,1	8,8	4-5	15-16
Ташкентский	160-200	11,6	9,2	3-4	16-17
Юбилейный	280-350	13,4	12,2	4-6	17-20
$ЭКФ_{05}$		0,8	0,6	0,6	0,4
Sx=		0,12	0,011	0,010	0,008
NOVO ORGANIC ME					
Мейер	120-130	9,7	8,2	4-5	14-15
Ташкентский	140-150	10,1	8,5	3-4	14-16
Юбилейный	260-300	12,4	11,2	4-6	17-19
$ЭКФ_{05}$		0,8	0,6	0,5	0,4
Sx=		0,11	0,012	0,013	0,006

Тажрибаларимиз давомида лимон меваларини 1 донасини ўртача вазни, г да, меванинг бўйи ва эни штангенциркуль ускунасида ўлчаниб навлараро ва ўсимликлардаги озиқлантиришда қўлланилган биоўғитлар турларининг таъсир этиши бўйича таҳлиллар олиб борилди. Бундан айтиш мумкинки,

ўрганилаётган лимон навларидан мевалар тўлик истеъмолбоп бўлиб пишиб етилганда териб олинди ва морфометрик кўрсаткичлари таққосланиб, аниқланди. Лимон навлари ўсимликларига SERHOSIL биоўғити билан озиқлантирилганда лимон навлари меваларининг морфометрик кўрсаткичлари нав хусусиятларига мос равишда бўлиб, 1 дона меванинг ўртача вазни Мейер навида 130-150 гр, Ташкентский навида 160-200 гр ва Юбилейный навида эса 280-350 гр ни ташкил этди. Лимон меваларининг бўйи ва эни таҳлил этилганда Мейер нави мевасининг ўртача бўйи 10,1 см, эни 8,8 см, Ташкентский нави мевасининг ўртача бўйи 11,6 см, эни 9,2 см, ва Юбилейный мевасининг ўртача бўйи 13,4 см, эни 12,2 см ни ташкил этган.

Диссертациянинг **“Лимон меваларини биокимёвий таркибининг ўзгаришига турли биоўғитларнинг таъсири”** деб номланган тўртинчи боб учинчи бўлимида лимон мевалари таркибидаги С витамин миқдори тажриба олиб борилган йиллар давомида турлича кўрсаткичларда бўлганлиги аниқланди. 2023 йили лимонни “Мейер” навида 42,1 мг/%, “Ташкентский” навида 49,4 мг/%, “Юбилейный” навида 52,2 мг/% бўлган бўлса, 2024 йилда лимонни “Мейер” навида 45,2 мг/%, “Ташкентский” навида 52,3 мг/%, “Юбилейный” навида 54,3 мг/% ни ташкил этганлиги кузатилди. Лимон навлари орасидан “Юбилейный” нави мевасида С витамини миқдори бошқа навларга нисбатан юқорироқ (52,3 мг/%) кўрсаткичда бўлганлиги баён этилган (3-расм).



2-расм. Лимон навлари меваларидан олинган шарбат таркибидаги энг кам ва энг кўп кислоталик кўрсаткичларининг навлараро таҳлили

Лимон меваси таркибидаги турли витаминлар миқдори таҳлил этилди. Маълумки, барча меваларда бўлгани каби, цитрус мевалари турли витаминларга бой бўлади. Шунинг учун лимон меваси таркибидаги витамин С миқдорининг аниқланиши ҳам муҳим ҳисобланади. Олиб борилган тадқиқотлар давомида лимон навлари мевалари таркибидаги витамин С миқдори аниқланди. Бунда лимоннинг “Мейер” нави мевалари таркибидаги С витамини миқдори 42,2 мг/%, “Ташкентский” навида 48,4 мг/%, “Юбилейный” навида эса 51,6 мг/% бўлганлиги тажрибаларимизда кузатилди.

Диссертациянинг **“Лимон меваларини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги”** деб номланган тўртинчи боб тўртинчи бўлимида маҳсулот сотишдан олинган соф фойда кўрсаткичлари эса назорат вариантида 13 млн. 718 минг сўм, TERIA биоўғити қўлланганда 16 млн. 272 минг сўм, SERHOSIL биоўғити қўлланганда 20 млн. 145 минг сўм ва NOVO ORGANIC ME биоўғити қўлланганда эса 14 млн. 434 минг сўм соф фойда ва рентабеллик даражаси эса назорат вариантида 73,4 %, TERIA биоўғити қўлланганда 80%, SERHOSIL биоўғити қўлланганда 96,5 % ва NOVO ORGANIC ME биоўғити қўлланганда эса 71,4 % рентабелликка эришилганлиги тўғрисидаги маълумотлар келтириб ўтилган.

Диссертациянинг **“Лимон навлари меваларини турли усулларда сақлаш технологияси”** деб номланган бешинчи бобида лимон меваларини сақлаш, сақлаш давомида кечадиган физиологик жараёнлар, сақлаш вақтини ортиши, омборхонадаги ҳарорат ва ҳавонинг нисбий намлиги ҳамда қадоқлаш материалларининг сақлаш сифатига таъсири тўғрисидаги тажриба натижаларидан олинган маълумотлар келтириб ўтилган.

